

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САНИТАРИЯ ГИГИЕНА ВА КАСБ КАСАЛЛИКЛАРИ ИЛМИЙ**  
**ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**АТАНИЯЗОВА РАУШАН АМИНОВНА**

**ДАВОЛАШ-ПРОФИЛАКТИК МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИ**  
**ХАВФИНИ БАҲОЛАШНИ САНИТАР-ГИГИЕНИК**  
**МОНИТОРИНГИГА УСЛУБИЙ ЁНДАШУВНИ**  
**ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**  
**(ТИББИЙ ТАШХИСЛАШ МАРКАЗЛАРИ МИСОЛИДА)**

**14.00.07 – Гигиена**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2021**

**Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**

**Contents of the abstract of doctoral (DSc) dissertation**

**Атаниязова Раушан Аминовна**

Даволаш-профилактик муассасалари фаолияти  
хавфини баҳолашни санитар-гигиеник мониторингига  
услугий ёндашувни такомиллаштириш  
(тиббий ташхислаш Марказлари  
мисолида).....

3

**Атаниязова Раушан Аминовна**

Совершенствование методологических подходов  
к санитарно-гигиеническому мониторингу оценки рисков  
деятельности лечебно-профилактических учреждений  
(на примере Центров медицинской  
диагностики).....

29

**Ataniyazova Raushan Aminovna**

Improvement of methodological approaches  
to sanitary-hygienic monitoring of risk assessment  
of the activity of medical facilities  
(on the example of Medical Diagnostics Centers)  
.....

55

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works  
.....

59

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САНИТАРИЯ ГИГИЕНА ВА КАСБ КАСАЛЛИКЛАРИ ИЛМИЙ**  
**ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**АТАНИЯЗОВА РАУШАН АМИНОВНА**

**ДАВОЛАШ-ПРОФИЛАКТИК МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИ**  
**ХАВФИНИ БАҲОЛАШНИ САНИТАР-ГИГИЕНИК**  
**МОНИТОРИНГИГА УСЛУБИЙ ЁНДАШУВНИ**  
**ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**  
**(ТИББИЙ ТАШХИСЛАШ МАРКАЗЛАРИ МИСОЛИДА)**

**14.00.07 – Гигиена**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2021**

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2020.2.DSc/Tib212 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Санитария гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) ва «ZiyoNet» «Ахборот таълим порталида ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Камилова Роза Толоновна тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Эрматов Низом Жумакулович тиббиёт фанлари доктори, профессор Искандарова Шахноза Тулқиновна тиббиёт фанлари доктори, профессор Тухтаров Баҳром Эшпазарович тиббиёт фанлари доктори, доцент
Ётақчи ташкилот:	С.Д.Асфендияров номидаги Қозоғистон миллий тиббиёт университети (Қозоғистон Республикаси)

Диссертация химояси Тошкент тиббиёт академияси хузуридаги DSc 04/30.12.2019 Tib.30.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил « 2 » « 12 » соат 19:00 даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2 уй. Тел./факс: (99878) 150-78-25, e-mail: [ta2005@mail.ru](mailto:ta2005@mail.ru). Тошкент тиббиёт академияси, 1-ўқув биносининг мажлислар зали).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишни мумкин (DSc рақамли билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2 уй. Тошкент тиббиёт академияси, 2-ўқув бино «Б» корпуси, 1-қават, 7-хона. Тел./факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2021 йил « 18 » « июль » куни тарқатилди.  
(2021 й. ил « 18 » « июль » даги 23 рақамли реестр баённомаси).



*[Signature]*  
Г.Н.Шайхова  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

*[Signature]*  
Д.Ш.Алимхамедов  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий  
котиби, тиббиёт фанлари доктори

*[Signature]*  
Ф.Н.Саломова  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошлагчи  
илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори,  
доцент

## **КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинида маслаҳат-ташхислаш марказларига алоҳида ўрин ажратилган бўлиб, баъзан чекланган молиявий имкониятлар шароитида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш самарадорлиги ва сифати сезиларли даражада ортиши мумкин. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра (2016 йил), Халқаро тиббий-санитар қоидаларини амалга ошириш учун аҳолига эрта лаборатория-диагностика ёрдами кўрсатиш орқали санитар-эпидемиологик назорат соҳасида асосий имкониятларга бўлган талабларни бажариш зарур. Лаборатория тизимларини мустаҳкамлаш бўйича лаборатория тизимини мустаҳкамлашга доир Мапут Декарацияси ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ассамблеясининг (ЖССА) лабораторияларнинг биологик хавфсизлигини кучайтириш тўғрисидаги WHA58.29 Резолюциясини бажариш учун ЖССТ ва Касалликларни назорат қилиш ва олдини олиш маркази (CDC) томонидан «...аҳолининг лаборатория хизматларидан фойдаланишини яхшилаш мақсадида лабораторияларни соғлиқни сақлаш тизимларига интеграция қилиш бўйича секторлараро ёндашув ишлаб чиқилди....»<sup>1</sup>. Шу сабабли даволаш-профилактика муассасалари (ДПМ) фаолиятида юзага келадиган хавф омилларини баҳолашнинг санитар-гигиеник мониторинг услубини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳонда даволаш-профилактика муассасалари фаолияти хавфини баҳолашнинг санитар-гигиеник мониторингига услубий ёндашувларни такомиллаштириш бўйича қатор мақсадли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада касалланиш даражасининг диагностика ёрдам кўрсатиш даражаси, меҳнатнинг санитар-гигиеник шароитларига боғлиқ ҳолда касбий хавфларни баҳолаш, санитар-техник жиҳозланиш, тиббий чиқиндиларни утилизация қилиш ва тиббиёт ходимларининг шахсий гигиенаси билан боғлиқлик касалликларнинг тарқалиши ва олдини олиш тизимини ҳамда даволаш-профилактика муассасалари фаолияти хавфини баҳолашнинг санитар-гигиеник мониторингини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Бизнинг мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, аҳолига юқори сифатли тиббий ёрдам, шу жумладан, касалликларни эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишига мувофиқ «...аҳоли саломатлигини яхшилаш ва мустаҳкамлашга қаратилган комплекс чора-тадбирларни тадбиқ этиш, касалланиш даражасини камайтириш, соғлом турмуш тарзини билан боғлиқ бўлган касалликларни

---

<sup>1</sup> Zwetyenga J. ва бошқалар. Яхши лабораториялар – мустаҳкам соғлиқ: секторлараро масалалар ва уларни лаборатория тизимларини мустаҳкамлаш мақсадида ҳал қилиш. //Public health panorama.–Vol. 1. Issue 2, 2015. – P. 111–204.

олдини олиш ва ҳаёт давомийлигини ошириш...»<sup>2</sup> бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган ва республика аҳолисига маслаҳат-ташхислаш ёрдамиди кўрсатиш янада яхшилаш.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида», 2020 йил 25 июлдаги ПФ-6035-сон «Коронавирус пандемиясини юмшатиш, санитар-эпидемиологик осойишталикни ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 18 декабрдаги ПҚ-4063-сон «Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 27 июлдаги ПҚ-4790-сон «Санитария-эпидемиология хизмати ва аҳоли соғлиғини сақлашни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

### **Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи <sup>3</sup>.**

Даволаш-профилактик муассасалари фаолияти хавфини баҳолашнинг санитар-гигиеник мониторингига услубий ёндашувларни такомиллаштиришга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг қатор етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: University of Central Florida, University of Michigan (АҚШ), University of Southampton (Буюк Британия); University Hospital of Tübingen, Goethe-University, Technische Universität Berlin (Германия); University of Geneva, Universitäres Notfallzentrum (Швейцария); University of Beirut Arab, University of Tokyo (Япония); University of Sydney (Австралия), University Medical Center Utrecht (Голандия); American University of Beirut (Ливан); бирламчи тиббий-санитар ёрдам бўйича ЖССТнинг Европа маркази (Қозоғистон), юқумли бўлмаган касалликларнинг профилактика қилиш ва улар билан курашиш бўйича ЖССТнинг Европа офиси (Россия Федерацияси) ҳамда Санитария гигиена ва касб касалликлари илмий тадқиқот институти (Ўзбекистон)да олиб борилган.

Даволаш-профилактик муассасалари фаолияти хавфини баҳолашнинг санитар-гигиеник мониторингига услубий ёндашувларни такомиллаштириш борасида олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан,

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони;

<sup>3</sup>Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: [www.osha](http://www.osha); [www.usa](http://www.usa); [chemm.nlm.nih](http://chemm.nlm.nih); [www.unige](http://www.unige); [www.krankenhaushygiene.de](http://www.krankenhaushygiene.de); [fems-microbiology.org](http://fems-microbiology.org); [www.euro.who](http://www.euro.who); [www.euro.who](http://www.euro.who); [www.tma.uz](http://www.tma.uz); [www.niisgprz.uz](http://www.niisgprz.uz) ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

қуйидаги илмий натижалар олинган: Модифицирланган Стэнфорд инструмент MSI ёрдамида хавфсизликни баҳолаш анкетаси (SAQ), пациентларнинг шифохонадаги хавфсизлик маданиятини баҳолаш (HSPSC), соғлиқни сақлаш ташкилотларида пацентлар хавфсизлиги (PSCHO) асосида касалхона шароитида беморлар ва ишчиларнинг хавфсизлик маданияти баҳоланган University of Central Florida (АҚШ); Work Safe Med дастурида COPSOQ и HSPSC шкаласи асосида меҳнатнинг психоэмоционал шароитлари, лидерлик, шифохонадаги хавфсизлик муҳити ва ишчиларнинг хавсизлигини таъминлашга қаратилган баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилган University Hospital of Tübingen (Германия); сменали иш тартибининг таснифи, ишнинг самарадорлиги, хавфсизлиги, кўрсатилаётган ёрдамнинг хатолик даражаси, миждозларнинг қониқиши, чарчаш даражаси, сайр қилишнинг иш самарадорлигига таъсири асосланган University of Southampton (Буюк Британия); Швецариядаги инстенсив даволаш муассасаларида командалари иш шароитида шифокорларнинг юкламалари, демографик таснифи ва бўлимларнинг таснифига қараб ходимларнинг чарчаш даражаси ва омилларга боғлиқлиги исботланган University of Sydney (Австралия), University Medical Center Utrecht (Голандия); Германия клиникаларида фаолият олиб бораётган шифокорлар ва резидентларнинг орасидаги депрессив синдромларининг кореляцион боғлиқлигининг баҳолашнинг психологик мезонлари ишлаб чиқилган Goethe-University, Technische Universität Berlin (Германия); American University of Beirut (Ливан); Universitäres Notfallzentrum (Швейцария) ҳамда тиббиёт ходимларининг соғлиғини муҳофаза қилиш бўйича касбий хатарни бошқариш ва илмий асосланган профилактика чораларининг юқори самарадорлигига эришишни услубий ёндашувларни такомиллаштирилган Санитария гигиена ва касб касалликлари илмий тадқиқот институти (Ўзбекистон).

Дунёда даволаш-профилактик муассасалари фаолияти хавфини баҳолашнинг санитар-гигиеник мониторингига услубий ёндашувларни такомиллаштириш самарадорлигини ошириш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: тиббий ёрдам билан боғлиқ инфекцияларни ривожланиш хавфини ҳисобга олган ҳолда санитар-техник жиҳозланишнинг хавф омилларни камайтиришни асослаш; даволаш профилактика муассасаларида ходимларнинг меҳнат шароитлари, тиббий чиқиндиларни утилизация ва тиббиёт ходимларининг шахсий (қўл) гигиенаси билан боғлиқ касбий тахликали хавф омилларни камайтириш мезонларини ишлаб чиқиш; даволаш-профилактик муассасалари фаолияти хавфини баҳолашнинг санитар-гигиеник мониторингининг самарали тизимини амалга оширишни такомиллаштириш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Тиббиёт ходимларининг меҳнат шароитлари ва касалланиш даражасини ўрганиш, касбий хавфларни баҳолаш, ишлаб чиқариш омилларининг тиббиёт ходимларининг организмга таъсирини ўрганиш, меҳнат хавфсизлиги ва саломатлигига қаратилган профилактика чораларини ишлаб чиқиш бўйича қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда (Dudeck M.A., Edwards J.R., Bridson K.A., et al. 2015; Diegel

V. Lauren, Ryan C., 2016; Gould D.J., Moralejo D., Drey N., Chudleigh J.H., Taljaard M., 2017). Ушбу ишлаб чиқариш муҳити омилларини тиббиёт ходимларининг руҳий-эмоционал ҳолатига ишчи муҳит омилларининг таъсирини ўрганишга бағишланган илмий ишлар мавжуд (Schweiger A., Kuster S.P., Maag J., Züllig S., et al., 2020). Бир қатор хорижий олимларнинг ишлари тиббиёт ходимларининг касалланишини ўрганиш ва тиббий ёрдам билан боғлиқ инфекцияларнинг олдини олиш муаммоларига бағишланган (Peters A., Borzykowski T., 2019; Peters A., Frat E., Iten A., Sauser J., Schibler M., Pittet D., 2020). Хавфсизликнинг институционал иқлимини яратилиши ва қулай санитар-гигиеник шароитлари асосида тиббиёт муассасаларида кўрсатиладиган хизматларнинг хавфсизлик маданияти ижобий ўзгариши халқаро амалиётнинг асосий бўғини ҳисобланади (Kilpatrick C., Bourqui L., 2019). Сув таъминоти ва санитария инфратузилмаси кўрсаткичларининг тиббиёт ходимларининг хулқ-атвори ва беморларни даволаш натижаларига, шу билан бирга сифатли ва хавфсиз соғлиқни сақлаш хизматларнинг умумий қамрови сифатига эришишга таъсир кўрсатади (Deni L.M., Ostri I., Pavlovi A. et al., 2012; Ho M.L, Seto W.H. et al., 2012; Huis, A. et al., 2013; Derde Lennie P. et al., 2014; Salmon S. et al., 2014; Midturi J.K. et al., 2015; Grant A.M., Hofmann D.A., 2016; Lynch C., Mahida N., 2020).

Яқин хорижий мамлакатларда соғлиқни сақлаш ва тиббиёт ходимларининг хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлашга бағишланган илмий ишлар маълум (Илюхина В.А., 2012; Мокоян, Б.О., 2012; Королева Е.П., 2013; Труфанова Н.Л., 2013; Косарев В.В. и др., 2014; Фаршатов, Р.С., 2014; Бухтияров И.В., 2015; Лебедева А.В. и др., 2015; Дюбель Е.В., 2016; Борисоглебская А.П., 2017; Бродач М.М., 2017; Бояркина С.И., 2018; Панюшова Е.П., Кирюшин В.А., 2019). Даволаш-профилактика муассасаларида (ДПМ) қулай санитар-гигиеник шароитларини яратишга қаратилган янги ҳажмли-планировкали ва конструктив ечимларни мосланувчан планировкани ўзига хос хусусиятларга эга бўлган соғлиқни сақлаш биноларини замонавий типологияси масалаларига бағишланган бир қатор ишлар амалга оширилган (Бектасова М.В. и др., 2012; Борисоглебская А.П., 2013; Аверин А.В., 2015; Алексеевская Т.И., 2015; Бухарбаева Л.Я., 2015; Карицкий А.П., 2016; Адамс Д. и др., 2018; Гиря М.А., Гиря Л.В., 2018; Жуковская А.Ю., Гераськин Ю.М., 2019). Тиббий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ инфекцияларнинг олдини олишга, шу жумладан қўллар гигиенасига риоя қилиш ва тиббий чиқиндиларни утилизация қилиш амалиётига катта эътибор қаратилмоқда (Покровский В.И. и др., 2012; Кицул И.С., Пивень Д.В., 2013; Осипова Е.М., 2013; Корнев И.И., 2014; Филиппов Ю.А. и др., 2014; Чистякова А. Ю., 2014; Брико Н.И. и др., 2015; Панисар С.С., 2016; Чикина О.Г., 2016; Брусина Е.Б. и др., 2018; Хамидулина Р.Р. и др., 2020).

Сўнгги йилларда мамлакатимизда турли ишлаб чиқариш корхоналарида ишчиларнинг меҳнат шароитларини гигиеник баҳолаш, уларнинг ишчилар ва атроф-муҳитга таъсирини ўрганиш бўйича қатор ишлар амалга оширилди (Т.И. Искандаров, 2015; Д.М. Хаширбаева, 2017; Ў.Х.Адилов, 2018; Ахмадалиева Н.О., 2021), бироқ, тиббиёт ходимларининг меҳнат



шароитларини гигиеник баҳолаш ва касалланиш даражасини ўрганиш, санитария-гигиена ҳолатини мажмуавий баҳолаш ва ДПМ фаолиятининг хавф-хатарга йўналтирилган мониторингини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар ўтказилмаган.

Республикада санитар-гигиеник меъёрлаш соҳасидаги меъерий-ҳуқуқий далолатномаларнинг тизимининг мавжудлиги билан бир қаторда даволаш-профилактика муассасалари (ДПМ) фаолиятининг хатар-мўлжалланган мониторинг тизимида камчиликлар мавжуд. Шундай қилиб, мониторингни мавжуд инструментлари ДПМ ларни санитар-гигиеник шароитлар билан таъминланганлик муаммолари идентификациясини объектив манзарасини бермайди; меъерий ҳужжатларда акс эттирилган индикатив кўрсаткичларнинг бажарилишини назорат қилиш самарасиз; санитар-гигиеник ва санитар-техник шароитлар билан таъминланганлик даражасини ҳисобга олган ҳолда хатарни баҳолашни энг устувор мезонларини аниқлашни унификацияланган ёндашув ва услуги мавжуд эмас. Шу муносабат билан даволаш-профилактика муассасалари фаолиятини хатарга-мўлжалланган мониторинги бўйича услубий ёндашувларни такомиллаштириш зарурати туғилди.

**Диссертация тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ИТСС-24-8 «Ўзбекистон Республикасида вилоят тиббий диагностика марказларини лойиҳалаштириш ва қурилишига қўйиладиган гигиеник талабларни ишлаб чиқиш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган (2009-2011 йй.).

**Тадқиқотнинг мақсади** касалланишни, меҳнатни санитар-гигиеник шароитларини, санитар-техник жиҳозланишни ва тиббий ёрдам билан боғлиқ инфекциялар хавфи омилларини ўрганишга асосланган даволаш-профилактика муассасалари фаолиятини хатарга-мўлжалланган мониторинг қилишнинг услубий ёндашувларини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

сўнгги 5 йил ичида республика аҳолисининг умумий ва бирламчи касалланиш даражасини статистик маълумотларини таҳлил қилиш ва маслаҳат-ташхисий ёрдам билан таъминланганлик даражасини аниқлаш;

маслаҳат-ташхислаш Марказлари (ТТМ) тиббиёт ходимларининг меҳнат шароитларининг санитар-гигиеник тавсифини баҳолаш;

3 йил давомида расмий рўйхатдан ўтган меҳнатга лаёқатсизлик варақлари маълумотлари бўйича ва сўров-интервью натижалари бўйича тиббиёт ходимларнинг касалланишини ўрганиш;

маслаҳат-ташхислаш Марказларида меҳнатнинг санитар-гигиеник шароитлари ва эпидемиологик хавфсизлиги ҳақида тиббиёт ходимларининг субъектив фикрини ўрганиш;

маслаҳат-ташхислаш Марказларида тиббий ёрдам билан боғлиқ инфекциялар хатари омилларини баҳолаш;

меҳнат шароитлари, тиббий чиқиндиларни утилизация қилиш ва тиббиёт ходимларининг шахсий қўл гигиенаси билан боғлиқ бўлган касбий хатарларни камайтириш мезонларини ишлаб чиқиш;

эколого-гигиеник паспортлаштириш ва хатарга-мўлжалланган санитар-гигиеник мониторингини ўтказиш йўли билан даволаш-профилактик муассасалар (ДПМ) фаолияти хатарларини баҳолашнинг унификацияланган услубиятни ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида республика аҳолисининг 5 йил давомида касалланишига оид статистика маълумотлари, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри,, Бухоро ва Қашқадарё вилоятларининг 3 та тиббий-ташхислаш марказлари (ТТМ) ва 7 та маслаҳат-ташхислаш марказлари (МТМ), 106 та иш жойлари ва меҳнат шароитлари омиллари 5286 та ўлчов далолатномалари, 43 та касбий гуруҳнинг 570 нафар тиббиёт ходимлари, 778 та меҳнатга лаёқатсизлик варақалари ва 212 та сўровнома-интервью анкеталари, 1590 нафар беморнинг 106 та кузатув карталари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида аҳоли ва тиббиёт ходимларининг касалланиши, меҳнатни санитар-гигиеник шароити, санитар-техник жиҳозланиш, ТТМ ва МТМ да тиббий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ бўлган касбий хавфлар ва инфекциялар олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда санитар-гигиеник, инструментал, кузатиш, сўровнома-интервью олиш ва статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

аҳолининг маслаҳат-ташхислаш ёрдами билан паст даражада таъминланган ҳудудлар умумий ва бирламчи касалликларнинг юқори даражаси билан тавсифланганлиги аниқланган;

маслаҳат-ташхислаш Марказлари тиббиёт ходимларининг маълум касалликлар синфи устунлиги, мультиморбидлик фоизи, касбий-нисбий хатар (КНХ) қийматлари ва тиббиёт ходимларининг касбий касалланишида санитар-гигиеник улушини (СГУ) меҳнат шароитлари ва санитар-техник жиҳозланишига боғлиқлиги аниқланган;

санитар-гигиеник шароитлар ва санитар-техник жиҳозланиш билан таъминлаш даражасини баҳолаш учун ТТМ ва МТМ ни эколого-гигиеник паспортлаштиришнинг унификацияланган услуби ишлаб чиқилган;

ДПМ ларининг эколого-гигиеник паспортлаштириш тиббий ходимларнинг меҳнат шароитлари, қўл гигиенаси ва тиббий чиқиндиларни утилизация қилиш билан боғлиқ касбий саломатлик хатарини аниқлашга имкон бериши исботланган;

меҳнат шароитлари синфларини ва санитар-техник жиҳозланишни ҳисобга олган ҳолда, тиббиёт ходимларининг саломатлигига зарар етказиш кўринишидаги маслаҳат-ташхислаш Марказлари фаолияти хатарларини ва юзага келиши мумкин бўлган оқибатларнинг эҳтимолий градацияси ишлаб чиқилган;

касбий ва эпидемиологик хатарларни баҳолашнинг устувор мезонларини ўз ичига олган хатарга-мўлжалланган санитар-гигиеник мониторингни услубияти ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қўйидагилардан иборат:

50 та меъёрлаштирилган гигиеник омилларнинг миқдорий мезонлари ва «гигиеник светофорнинг» тамойили бўйича (яшил, сариқ, қизил) сифат мезонлари асосида ДПМларнинг эколого-гигиеник паспорти ишлаб чиқилган; тиббиёт ходимларининг меҳнат шароитларини, санитар-техник жиҳозланиш даражасини ва тиббий ёрдам билан боғлиқ инфекцияларни олдини олиш шароитларини ҳисобга олган ҳолда эҳтимолий хатарлар реестрини, уч ўлчовли матрица ва ДПМлар фаолияти хатарларни баҳолаш картаси яратилган;

йилнинг совуқ ва илиқ даврида иссиқлик қулайлигини таъминлаш учун «қиш-ёз» кондиционер тизимларини ўрнатишни кўзда тутган ҳолда ДПМларни лойиҳалаштиришда мажмуавий ёндашуви ишлаб чиқилган;

ДПМларида биологик чиқиндиларни йиғиш, ташиш, тозалаш ва утилизация қилиш бўйича санитария тизимлари ва технологияларига замонавий ёндашувлари ишлаб чиқилган;

ДПМлар фаолиятини босқичма-босқич хатарга-мўлжалланган санитар-гигиеник мониторингини ўтказиш услубияти ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган анкета ва нусха кўчириш, аналитик, санитар-гигиеник, инструментал ва статистик тадқиқот усуллари асосида даволаш профилактик муассасалари фаолияти хавфини баҳолашнинг санитар-гигиеник мониторингига услубий ёндашувларини такомиллаштиришнинг ўзига хослиги ҳалқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти аҳоли касалликлари билан маслаҳат-диагностик ёрдам кўрсатиш даражаси, аҳоли касалланиши маслаҳат-ташҳислаш ёрдами билан таъминланганлик даражасини аниқлаш, тиббиёт ходимларининг меҳнат шароитлари ва эпидемиологик хавфсизлиги тақозо қиладиган касбий касалланиш даражаси ўртасидаги боғлиқликни ўрнатиш, экологик-гигиеник паспортлаштириш бўйича ишлаб чиқилган илмий қоидалар ва хавф-хатарга мўлжалланган санитар-гигиеник мониторингга такомиллаштирилган услубий ёндашувлар ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати марказлари ходимлари учун ТТМ ва МТМларни лойиҳалашда огоҳлантирувчи санитар назорат қилиш, ДПМ фаолиятида хавф-хатарга мўлжалланган санитар-гигиеник мониторинг олиб бориш имконини берадиган меъерий-услубий ҳужжатлар, жумладан, 3 та санитария қоидалари ва меъёрлари ва 3 та услубий тавсиялар ишлаб

чиқилганлиги ва уларни коммунал гигиена бўйича мутахассисларнинг касбий тайёрлашда қўлланилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** ДПМлар фаолияти хатарини баҳолашнинг санитар-гигиеник мониторингига услубий ёндашувларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

даволаш-профилактик муассасалари фаолияти хатарини баҳолашда тиббий асбоб ва буюмларни стерилизация қилиш самарадорлигини баҳолаш натижалари асосида ишлаб чиқилган «Тиббий асбоблар ва буюмларни стерилизация қилиш Марказларини лойиҳалаштириш, қуриш ва улардан фойдаланишнинг санитария қоидалари ва меъёрлари» 0365-19-сон Санитария қоидалари, меъёрлари ва гигиеник нормативлари тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 19 февралдаги 8н-д/65-сон маълумотномаси). Натижада тиббий ёрдам билан боғлиқ инфекцияларнинг олдини олишни такомиллаштириш ва тиббиёт ходимлари ва беморларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун шароит яратиш имконини берган;

биологик чиқиндиларни йиғиш, сақлаш, ташиш ва утилизация қилиш билан боғлиқ инфекциялар тарқалишининг олдини олиш бўйича илмий асосланган тавсиялар асосида ишлаб чиқилган 0368-19-сон «Жамоат ҳожатхоналарини лойиҳалаштириш, қуриш ва улардан фойдаланишнинг санитария қоидалари ва меъёрлари» Санитария қоидалари, меъёрлари ва гигиеник нормативлари тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 19 февралдаги 8н-д/65-сон маълумотномаси). Натижада жамоат жойларида, шу жумладан ДПМ ларида биологик чиқиндиларни йиғиш, сақлаш ва ташиш учун санитария тизимларининг хавфсизлигини таъминлаш имконини берган;

ДПМларининг биологик чиқиндиларини йиғиш, ташиш, тозалаш ва утилизация қилишда санитар-гигиеник талабларни такомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилган «Ўзбекистон Республикаси тиббий ташхислаш Марказларининг биологик чиқиндиларини йиғиш, ташиш, тозалаш ва утилизация қилишнинг санитария тизимлари ва технологиялари» номли услубий тавсиялар тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 19 февралдаги 8н-д/65-сон маълумотномаси). Натижада хавфсиз санитария таъминотини яхшилаш ва тиббий ёрдам билан боғлиқ инфекцияларни профилактика қилиш бўйича чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш, тиббиёт ходимлари ва беморларнинг организмига зарарли ишлаб чиқаришни таъсир қилиш хавфини камайтириш имконини берган;

«Ўзбекистон Республикаси тиббий ташхислаш марказларининг ҳажмли-режалаш ва қурилиш ечимларининг замонавий хусусиятлари» номли услубий тавсиялари тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 19 февралдаги 8н-д/65-сон маълумотномаси). Натижада ҳажмли-планировкали ечимларга қўйилган талабларни регламентлашга рухсат берган, шунингдек, ДПМ ларини қуришда ишлатиладиган қурилиш ва қоплама материалларининг механик, физик-кимёвий ва гигиеник тавсифлари бўйича рухсат этилган талабларни тартибга солишга имкон берган, бу тиббиёт ходимлари ва

беморларнинг организмига зарарли ишлаб чиқариш омилларининг таъсирини камайтириш имконини берган;

«Ўзбекистон Республикаси тиббий ташхислаш марказларини эколого-гигиеник паспортлаштиришни ўтказиш услубияти» номли услубий тавсиялар тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 19 февралдаги 8н-д/65-сон маълумотномаси). Натижада санитар-техник жиҳозланиш ва тиббий ёрдамнинг хавфсизлиги даражасини миқдорий ва сифатли баҳолаш асосида ДПМ лар фаолияти хавфини аниқлаш имконини берган;

ДПМлар фаолияти хавфини баҳолашнинг санитар-гигиеник мониторингига услубий ёндашувларини такомиллаштириш борасида олинган илмий тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика санитария-эпидемиология осойишталик ва жамоат саломатлиги Хизматига ва унинг Қорақолпоғистон Республикаси, Бухоро, Қашқадарё ва Тошкент вилоятлари бўлимларига, Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг ўқув-услубий жараёнига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 17 июлдаги 08-09/8496-сон маълумотномаси). Натижада ДПМлар фаолияти хавфини баҳолаш жараёнини такомиллаштириш ва санитар-гигиеник мониторингни самарадорлигини яхшилаш, тиббиёт ходимларининг меҳнат шароитларини соғломлаштириш ва тиббий ёрдам билан боғлиқ турли инфекцияларнинг тарқалишини олидини олиш бўйича самарали йўналишларни баҳолаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 9 та илмий-амалий, жумладан 5 та халқаро ва 4 та республика анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 27 та илмий иш иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 188 бетни ташкил этаган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот объектлари ва предмети акс эттирилган, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатиб

берилган, олинган натижаларнинг илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти баён этилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши бўйича чоп этилган илмий ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Аҳолига маслаҳат-ташхислаш ёрдамнинг замонавий ҳолати»** деб номланган биринчи бобида замонавий маслаҳат-ташхислаш хизматининг аҳамияти ва вазифаларига бағишланган илмий ишлар маълумотлари тақдим этилган; Маслаҳат-ташхислаш марказларини лойиҳалаштириш, қуриш ва санитар-техник жиҳозлаш қисмида қонунчилик актлари, меъёрий ва услубий ҳужжатларнинг таҳлиллари келтирилган; даволаш-профилактика муассаларида (ДПМ) касбий хавфларни бошқаришнинг замонавий услубий жиҳатларига бағишланган илмий нашрларнинг маълумотлари баён этилган.

Диссертациянинг **«Аҳолининг касалланиши, тиббиёт ходимларининг меҳнат шароитлари, тиббий диагностика марказлари фаолиятининг хавф омиллари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объектларига, ҳажмига ва усулларига тавсиф берилган. Республика аҳолисининг умумий ва бирламчи касалланиш динамикаси ва тузилшини ўрганишда 2012–2016 йиллардаги даврлар учун Ўзбекистон Республикаси Статистика бўйича давлат қўмитаси маълумотлари таҳлили ўтказилган. Умумий ва бирламчи касалликларнинг ўртача йиллик ва беш йиллик ўсиш суръатлари аниқланган. Олинган маълумотлар республика бўйича бир бутун ва вилоятлар кесимида ҳисоблаш асосида тақдим этилган.

Тадқиқот объектлари маслаҳат-ташхислаш йўналишидаги 10 та даволаш-профилактика муассасалари (ДПМ), тиббий ташхислаш марказлари (ТТМ) ва маслаҳат-ташхислаш марказлари (МТМ) ҳисобланади. Текширилган ДПМдан 3 таси аралаш молиялаштиришда шаклланган давлат ТТМ, 7 таси Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон, Бухоро ва Қашқадарё вилоятларида жойлашган хусусий МТМ бўлган.

Физик (микроиқлим параметрлари – йилнинг совуқ ва илиқ даврида 2344 та ўлчов) ва биологик (106 та ўлчов) омиллари бўйича меҳнат шароитлари, меҳнатнинг оғирлиги ва меҳнат жараёнининг зўриқувчанлиги (1696 та ўлчов) бўйича 43 та асосий касбий гуруҳлардаги 570 нафар тиббиёт ходими 106 та иш жойида ўрганилган. Маслаҳат-ташхислаш хоналарида ва клиник-биокимёвий лабораторияларда кеча-кундуз 14 кун мобайнида ҳавони кондиционерлаш ва «қиш-ёз» кондиционер тизимларсиз шароитларида микроиқлимнинг шаклланишини ҳисобга олган ҳолда микроиқлим параметрлари ўлчовлари ўтказилган. Микроиқлим параметрлари 0324-16 сон СанҚваМда акс эттирилган меъёрий қийматларга мувофиқ баҳоланган. Меҳнат шароитларини синфлар бўйича ва зарарлилик даражаси бўйича баҳолаш 0141-03-сон СанҚваМга мувофиқ ўтказилган.

1140 та намуналар ва суртмалар ишлаб чиқариш муҳитининг патоген ва шартли патоген микрофлораси (иш кийимлари, асбоблар, ишчи юзалар), асосий хоналар ҳавоси (иш бошланишидан олдин, ўртада ва иш куни охирида)

ва патоген стафилококкларни ташувчиларига (бурун-халқум). кўзгатувчилари томонидан бактериологик ифлосланиш учун таҳлил ўтказилган.

Меҳнатга лаёқатлиликни вақтинчалик йўқотиш касалликлари (МЛВЙК) «Меҳнатга лаёқатсизлик варақларини рўйхатга олиш китоби» да (036/у шакл) акс эттирилган 778 та меҳнатга лаёқатсизлик варақлари маълумотларини таҳлил қилиш натижаларига кўра, республика минтақалари кесимида 3 йил давомида (2016–2018 йиллар) ТТМ ва МТМ тиббиёт ходимлари ўртасида ўрганилган. Касалликлар синфлари бўйича аҳолининг умумий ва бирламчи касаллиги ва тиббиёт ходимларининг МЛВЙК таҳлили касалликларнинг халқаро таснифи (КХТ-10) бўйича ўтказилган.

Меҳнат шароитларининг аниқланган синфлари ва тиббиёт ходимларининг МЛВЙК маълумотлари асосида касалланишнинг касбий хатари ҳисобланган. Меҳнат шароитлари ва касалланиш ўртасидаги боғлиқликни аниқлашга касбий-нисбий хавф (КНХ, бирлик) кўрсаткичлари ва касаллик ривожланишида меҳнат шароитларининг ноўя омиллари хавфининг санитар-гигиеник улуши (СГУ,%) ҳисобланиши асос бўлган.

Ривожланган мамлакатларда ДПМни лойиҳалаштириш, қуриш ва санитар-техник жиҳозлаш бўйича санитар-гигиеник меъёрлаш ва назоратнинг қонунчилик ва меъерий-услубий ҳужжатлари таҳлили ўтказилган.


ТТМ ва МТМ тиббиёт ходимларининг мавжуд санитар-гигиеник шароитлари, саломатлиги ва ўзини ҳис қилиш ҳолати, билим даражаси ва қўл гигиенасига риоя қилиш учун шароит мавжудлиги ҳақидаги субъектив фикрини ўрганиш учун ишлаб чиқилган анкета бўйича сўровнома-суҳбат ўтказилган (326 та анкета). Ҳаққоний қўл гигиенаси амалиётини ўрганиш учун 15 нафар беморни қабул қилиш вақтида қўл гигиенаси қоидаларига риоя қилинганлиги тўғрисидаги маълумотларни қайд қилиш учун ишлаб чиқилган карта ёрдамида тиббий ходимлар иш сменаси давомида кузатув ўтказилган (106 та карта, 1590 нафар бемор).

Тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлаш Microsoft Windows 10.0 операцион тизимида Microsoft Excel 2016 дастурий тўплами ёрдамида амалга оширилган. Илмий ишда кузатувлар сони, ўртача арифметик қиймат ва унинг хатоси, ўртача квадрат бурилиш ва фоизда кўрсатилган нисбий қийматлар аниқланган; Стьюдентнинг t-мезони аниқланган ва ишончлилик даражаси  $p < 0,05$  статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқ сифатида қабул қилинган.

Диссертациянинг «**Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг касалланиш динамикаси ва тузилиши**» деб номланган учинчи бобида 5 йил давомида (2012–2016 йиллар) бутун республика бўйича ва минтақалар кесимида аҳолининг умумий ва бирламчи касаллиги ретроспектив таҳлили натижалари, шунингдек республика вилоятлари аҳолисининг маслаҳат-ташхислаш ёрдами билан таъминланганлик таҳлили акс эттирилган.

Ўтган 5 йиллик даврда Ўзбекистон аҳолисининг умумий касалланиши 7,7% га ошган. Рўйхатга олинган 19 та касалликлар синфидан биринчи ўринни нафас олиш органлари касалликлари (23,0%), қон ва қон ҳосил қилиш органлари (18,9%) ва овқат ҳазм қилиш органлари (11,9%) эгаллаган, уларнинг солиштирма оғирлиги 53,8% ни ташкил қилган. Ушбу касалликларнинг уч

синфининг бирламчи касалланиш улуши 40,6 дан 81,4% гача бўлган. Республика аҳолисининг умумий касалланиш динамикасини таҳлил қилиш касалликларнинг саккизта синфининг (VI, VII, VIII, IX, X, XI, XIII ва XIV) максимал ўсиш суръатларини 18,8 дан 31,6% гача бўлишини кўрсатган (1-расмга қаранг).



1 -расм. Республика аҳолисининг умумий касалланиш динамикасини аниқлайдиган касалликлар билан касалланишнинг кўпайиши ва камайиш суръатлари даражаси.

Республика вилоятлари кесимида аҳолининг 100 минг кишига тўғри келадиган умумий касалланиш бўйича етакчи бўлган минтақаларни даражаларга ажратишни аниқлаш имконини берган: Тошкент шаҳри (129231,1±63,17 ҳолатлар), Фарғона вилояти (98480±9,60 ҳолатлар), Қорақалпоғистон (93959,4±3,12 ҳолатлар), Хоразм (91466,6±6,60 ҳолатлар) ва Навоий (90031,9±14,26 ҳолатлар) вилоятлари. Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон, Фарғона, Хоразм ва Навоий вилоятлари аҳолиси орасида умумий касалланиш тузилмасини асосан нафас олиш ва овқат ҳазм қилиш органлари, қон ва қон ҳосил қилиш органлари касалликлари, қон айланиш тизими ва эндокрин тизим касалликлари шаклланиши, уларнинг солиштирма оғирлиги 63,3 дан 76,3% ни ташкил қилган. Республика вилоятлари аҳолисининг Тошкент шаҳридаги маслаҳат-ташхислаш йўналишидаги марказларга мурожаатини табақалаштирганда ташхислаш текширувлари бўйича мурожаатлар мутахассислар маслаҳатидан деярли 3 баробар устун бўлганлиги аниқланди: 74,8 га қарши 25,2%. Маълум бўлишича, умумий касалланиш даражаси юқори бўлган минтақаларда ихтисослашган маслаҳат-ташхислаш кўмаги паст даражада таъминланганлиги қайд этилган.



Диссертациянинг «Маслаҳат-ташҳислаш йўналишидаги марказлар тиббиёт ходимларининг меҳнат шароитлари ва касалланиш тавсифи» деб номланган тўртинчи бобида тўртта параграф берилган бўлиб, улар меҳнат шароитлари синфларини баҳолаш ва МЛВЙ (меҳнатга лаёқатликни вақтинча йўқотиш) билан касалланиш таҳлили натижалари, тиббиёт ходимларининг санитар-гигиеник шароитлари ва саломатлиги ҳақидаги фикрлари бўйича сўровнома-сухбат, шунингдек, касбий-нисбий хавфларни баҳолаш натижалари ва тиббиёт ходимларининг касалланишлари ривожланишида санитар-гигиеник улуши келтирилган.

ТТМ ва МТМ тиббиёт ходимларининг иш жойларида ишлаб чиқаришдаги физик омилларнинг (шовқин, ёруғлик, электромагнит нурланиш, электр ва магнит майдонлар ва бошқалар) текширилган параметрларининг гигиеник меъёрлар талабларига мос келган. ТТМ ва МТМ биноларида замонавий «қиш-ёз» кондиционер тизимларидан фойдаланиб, йил даврига боғлиқ бўлмаган ҳолда микроклим параметрлари бўйича меҳнат шароитлари рухсат этилган деб ҳисобланган (2-синф). Ваҳоланки, кондиционер тизими бўлмаганда, йилнинг илиқ даврида рухсат этилган меҳнат шароитлари 10%, совуқ даврида эса – 40% ҳолатларда топилган; қолган иш жойлари микроклим параметрлари бўйича 1–2-даражали 3-синфга мансуб бўлган (3.1 ва 3.2) (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Маслаҳат-ташҳислаш йўналишидаги Марказлари тиббиёт ходимлари меҳнат шароитларининг умумий синфлари

Меҳнат шароити синфи	Шифокор			Ўрта тиббиёт ходими		
	МТБ	УТТ	КБЛ	МТБ	МХ	КБЛ
Меҳнат жараёнини зўриқувчанлиги бўйича	3.3	3.3	3.3	3.3	3.2	3.3
Меҳнат жараёнини оғирлиги бўйича	3.1	2	2	3.2	3.2	3.2
Биологик омил бўйича	3.2 (3.3)*	-	3.3	3.1 (3.2)*	-	3.3
Йилнинг илиқ ва совуқ даврларини микроклими бўйича	кондиционерсиз	3.1	3.1	3.1	3.1	3.1
	кондиционер билан	2	2	2	2	2
Меҳнат шароитининг умумий синфи	3.3 (3.4)*	3.3	3.4	3.3	3.3	3.4

Изоҳ:\* - гинекология, урология, дерматология, врач-лаборант ва лаборант мутахассисликлари бўйича тиббиёт ходимларининг меҳнат шароитлари синфлари; МТБ – маслаҳат-ташҳислаш бўлими; УТТ - ультратовушли ташҳислаш хонаси; КБЛ – клиник-биокимёвий лаборатория; МХ- муолажа хонаси.

Бинобарин, ТТМ ва МТМларнинг асосий хоналарида «қиш-ёз» кондиционер тизимлари ўрнатишни кўзда тутадиган ДПМни лойиҳалаштиришга мажмуавий ёндашувни тавсия этиш мақсадга мувофиқ бўлган.

Меҳнат жараёнининг зўриқувчанлиги, меҳнатнинг оғирлиги, биологик омил ва микроклим кўрсаткичлари ТТМ ва МТМ тиббиёт ходимларининг

меҳнат шароитлари 3-даражали 3-синфга мансуб эканлиги аниқланган, гинекологлар, урологлар ва дерматологлар, шунингдек, клиник ва биокимёвий лабораториясининг врач-лаборанти ва лаборанти бундан мустасно, уларнинг меҳнат шароитларини умумий синфи биологик омил таъсири ҳисобига 3,4 га баҳоланган.

Меҳнатга лаёқатлигини вақтинча йўқотган (МЛВЙ) тиббиёт ходимларининг касалланиш ҳолатлари сони ва меҳнатга лаёқатсизлик кунлари максимал қийматлари Қорақалпоғистонда аниқланди, бу Тошкент шаҳри, Бухоро ва Қашқадарё вилоятлари ТТМ ва МТМ ларга солиштирганда 1,5-2,2 баравар кўп бўлган. Е.Л.Ноткин таснифи бўйича МЛВЙ касалликлари кўрсаткичини баҳолаш шкаласига биноан (1979) меҳнатга лаёқатликни вақтинча йўқотган касаллик даражаси Тошкент шаҳри ва Қашқадарё вилояти ТТМ ва МТМ ларда касал бўлган тиббиёт ходимларининг улуши бўйича МЛВЙК даражаси «паст», Бухоро вилоятида - «ўртача» ва Қорақалпоғистонда - «юқори» деб аниқланган (2 -жадвалга қаранг).

2-жадвал

Е.Л. Ноткин маълумотларига кўра, маслаҳат-ташҳислаш йўналишидаги Марказлари тиббиёт ходимларининг МЛВЙК кўрсаткичларини баҳолаш шкаласи.

(2016-2018 йиллардаги маълумотлар бўйича)

Гуруҳ	100 ходимга тўғри келадиган рақам		Касалланганлар улуши, %	Е.Л.Ноткин бўйича МЛВЙК	
	ҳолатлар	кунлар			
Назорат	50,6±5,00	764,1±12,19	22,7	паст	
Асосий (кичик гуруҳлар)	1а	111,9±0,32	1229,4±12,04	54,2	юқори
	1б	62,0±4,40	828,3±21,56	48,6	ўртача
	1в	50,2±3,80	716,2±8,32	25,9	паст

МЛВЙнинг умумий тузилишида сийдик йўли ва асаб тизимлари, нафас олиш ва овқат ҳазм қилиш органлари, қон айланиш тизимлари касалликлари, ҳомиладорлик ва туғиш етакчи ўринларни эгаллаган ҳамда ТТМ ва МТМда ўрганилган ишчи ходимларнинг вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик сабабларининг 82%ни ташкил қилган.

ТТМ ва МТМда ўрганилган тиббиёт ходимларининг мультиморбидли солиштирма оғирлиги 14,8 дан 21,6% гача бўлган ва мультиморбидли ишчи ходимларнинг анча юқори фоизи Қорақалпоғистондаги МТМда қайд этилган.

Сўровнома-интервью натижалари таҳлили шуни кўрсатдики, тиббиёт ходимларининг 92,0% ер участкасининг кичик ўлчамдалиги, 87,0% – ТТМ ва МТМ ҳудудлари кам фоизда кўклараштирилганлиги, 64,9% – етарли бўлмаган майдон ва хоналар сони, 57,5% – овқатланиш учун шароитлар мавжуд эмаслигини кўрсатган. Шу билан бирга, 80,2–91,5% тиббиёт

ходимлари аёллар учун дам олиш ва гигиена, душ ва спорт хоналарини ташкил этиш зарурлигини таъкидлаганлар. Муҳандислик инфратузилмаси билан таъминланганликни ўрганиш шуни кўрсатдики, барча ТТМ ва МТМ марказий сув таъминотига эга, 60,0% – марказлаштирилган канализация тизимига уланган, 40,0% – тупроқда чиқиндиларни филтрлайдиган маҳаллий тизимга эга, лекин минтақаларда электр энергияси, иситиш, совуқ сув етказиб беришда тез-тез узилишлар бўлган ва мунтазам равишда иссиқ сув берилмаслиги қайд қилинган. 19,8% ҳолатларда тиббиёт ходимлари деразалар сонини ва дераза тирқишларининг ўлчамини ошириш зарурлигини, 46,2% – оқимли-тортиб олувчи вентиляциясини ўрнатиш кераклигини ва 79,3% ҳолатларда – мавжуд бўлган вентиляция тизимини таъмирлаш ёки уни замонавий умумий ветиляция қурилмалари билан алмаштиришни зарур деб ҳисоблашган.

Субъектив (сўровнома-интервью) ва объектив маълумотларнинг қиёсий таҳлили шуни кўрсатдики, тиббиёт ходимларининг касалланиш структурасида касалликларнинг етакчи синфлари (VI, X и XI) бир-бирига мос келган, аммо миқдорий кўрсаткичларда сезиларли фарқ бўлган: сўров маълумотлари бўйича касалланиш даражаси МЛВЙКлар даражасига нисбатан 4–4,5 баравар юқори бўлган. Илмий ишда касалланишнинг МЛВЙ билан боғлиқлик даражаси ва ТТМ ва МТМ тиббиёт ходимларининг санитар-гигиеник иш шароитлари ўрганилган. Қорақалпоғистон тиббиёт ходимлари ўртасида қон ва қон ҳосил қилувчи органлар касалликлари, янги ҳосилалар (саратон касаллиги), тери ва тери ости тўқималари касалликлари ҳолати бўйича, ҳомиладорлик ва туғишнинг меҳнат шароитлари билан тўлиқ боғлиқлик даражаси аниқланган (КНХ = 5.8-49.4 бирлик; СГУ = 82,9-98,0%) ва меҳнатга лаёқатсизлик кунлари сонига кўра, қон ва қон ҳосил қилиш органлари касалликлари, сийдик-таносил ва овқат ҳазм қилиш органи касалликлари ўртасида тўлиқ ва жуда юқори боғлиқлик аниқланган (КНХ = 4.9-49,9 бирликда; СГУ = 79,5-98, 0%). Бухоро вилояти тиббиёт ходимлари орасида меҳнатга лаёқатсизлик ҳолатлари ва кунлари сонига кўра, овқат ҳазм қилиш органлари касалликлари билан тўлиқ боғлиқлик даражаси ўрнатилган (КНХ = 14.03-20.75 бирлик; СГУ = 92.9-95.2%) ва сийдик-таносил тизими, кўз ва унинг ҳосилалари аппарати касалликларининг касбий боғлиқлигининг жуда юқори даражаси аниқланган (КНХ = 3.57-4.48 бирлик; СГУ = 72.0-77.7%). Қашқадарё вилоятида тери, тери ости тўқимаси ва қон айланиш тизими касалликлари (КНХ = 5,5-21,6 бирлик; СГУ = 81,9-95,4%) билан боғлиқлик даражаси тўлиқ аниқланган, энг юқори боғлиқлик даражаси – эндокрин тизими касалликлари сони бўйича (КНХ = 4,9 бирлик; СРС = 79,7%) ва тўлиқ боғлиқликлар – овқат ҳазм қилиш органлари касалликлари меҳнатга лаёқатсизлик кунлари бўйича аниқланган (КНХ = 19,8 бирлик, СГУ = 94,9%). Барча текширилган минтақавий ТТМ ва МТМ тиббиёт ходимларининг меҳнатга лаёқатсизликни вақтинча йўқотиш (МЛВЙ) касалланиш хавфининг касб билан боғлиқ бўлган маълумотлари 2 -расмда келтирилган.



2-расм. Асосий гуруҳдаги ТТМ ва МТМ лари тиббиёт ходимлари ўртасидаги ҳолатлар сони бўйича.МЛВЙ касалланишни касбий-нисбий хатари, бирлик

Шундай қилиб, касалланиш ҳолатлари сони бўйича гигиеник меҳнат шароитлари билан тўлиқ даражада боғлиқ бўлган касб билан боғлиқ касалликлар текширилган барча минтақавий ТТМ ва МТМ тиббиёт ходимлари ўртасида қон ва қон ҳосил қилиш органлари, овқат ҳазм қилиш органлари касалликлари (КНХ = 16,8 бирлик; СГУ = 94,0%), шунингдек янги ҳосилалар (саратон касалликлари) (КНХ = 7,5 бирлик; СГУ = 86,7%) ҳисобланган. Қон ва қон ҳосил қилиш органлари (КНХ = 17,2 бирлик; СГУ = 94,2%), овқат ҳазм қилиш органлари касалликлари (КНХ = 12,9 бирлик; СГУ = 92,2%) меҳнатга лаёқатсизлик кунлари сони бўйича меҳнатни санитар-гигиеник шароитлар билан тўлиқ боғлиқлик даражасига эга бўлган.

Диссертациянинг «**Маслаҳат-ташхислаш йўналишидаги Марказларда тиббий ёрдам билан боғлиқ инфекциялар учун хатар омилларини баҳолаш**» деб номланган бешинчи бобида тиббий ходимларнинг ишлаб чиқариш муҳитининг, қўлларини ва бурун-халқумнинг санитар-бактериологик кўрсаткичларини баҳолаш натижалари акс эттирилган, қўл гигиенаси бўйича уларнинг билим, кўникма ва маҳоратлари даражаси аниқланган, шунингдек, тиббий чиқиндиларни утилизация қилиш шароитларига тавсиф берилган.

Ўрганилган ТТМ ва МТМ ларини асосий биноларининг ишлаб чиқариш муҳити объектларидан олинган суртмаларнинг 20,9% ижобий ва Бухоро вилояти ва Қорақалпоғистонда уларнинг сони Тошкент шаҳрига қараганда 1,2-1,3 марта кўп бўлган. Ишлаб чиқариш муҳити предметларидан олинган микроорганизмлар таркибида, кўпинча (*E.coli*) ичак таёқчаси гуруҳининг бактериялари топилган, лекин Тошкент шаҳри (30,6±6,59%; P <0,05) ва Қорақалпоғистон (25,3±4,62%; P<0,01) билан таққосланганда, уларнинг максимал сони Бухоро вилояти ТТМ ларида рўйхатга олинган (55,7±6,36%).

*S.aureus* ундирилиб олиш сони Қорақалпоғистонда энг юқори бўлган. Тиббий ходимлар кўлидан олинган суртма бактериал ифлосланишнинг умумий сонидан 17,3% - ижобий бўлган, лекин уларнинг энг кам миқдори Тошкент шаҳар ТТМ ва МТМ ларда кузатилган, Қорақалпоғистон ва Бухоро вилоятига нисбатан:  $5,4 \pm 3,58\%$  га қарши  $25,7 \pm 7,32\%$  ( $P < 0,05$ ) ва қарши  $23,1 \pm 8,21\%$ . Қўллардан олинган суртма ювиш пайтида патоген микрофлоранинг 3 гуруҳи пайдо бўлишининг энг юқори сони қайд этилган: *E.coli*, *P.vulgaris* ва *S.aureus*. Тиббий ходимларнинг махсус кийим формасидан олинган 3,7% суртма ижобий бўлган ва уларнинг миқдори Қорақалпоғистон ва Бухоро вилояти ТТМ ва МТМ ларида мос равишда Тошкентга қараганда - 2,1 ва 1,7 марта кўп бўлган. Минтақадан қатъий назар, тиббий ходимларнинг махсус кийим формаси бир хил даражада *E.coli*, *P.vulgaris*, *S.aureus* ва *K.pneumonia* каби микроорганизмлар билан ифлосланганлиги аниқланган. Тиббиёт ходимларининг бурун-халқумдан олинган суртмалар натижаларига кўра энг қулай вазият Тошкент шаҳрида кузатилган ва Қорақалпоғистон ва Бухоро вилоятидан фарқли ўлароқ, (*S.aureus*) билан ижобий натижага эга бўлган шахслар сони мос равишда 2,9 ва 2,0 марта кам бўлган ( $5,0 \pm 4,87\%$  га қарши  $14,3 \pm 9,35$  ва  $10,0 \pm 9,49\%$ )

Текширилган ТТМ ва МТМ ларда иш вақти бошланишидан олдин хоналардан ифлосланиш учун олинган ҳаво намуналари салбий бўлган. Тошкент шаҳридаги ТТМ ва МТМ ларда иш сменасидан сўнг, ҳаво намуналари камроқ ифлосланган: 30,0%, га қарши 40,0 ва 42,9%, мос равишда - Қорақалпоғистон ва Бухоро вилоятида.

Кузатув натижаларига кўра, беморларни қабул қилишда қўлларини ювишни эътиборсиз қолдирган тиббий ходимлар сони сўровнома-интервью олиш натижалари бўйича 10,8 марта кўп бўлган ( $14,1 \pm 3,38$  га қарши  $1,3 \pm 1,10\%$ ;  $P < 0,001$ ). Бундан ташқари, агар сўровдан ўтказилган тиббиёт ходимларининг атиги  $1,4 \pm 1,14\%$  беморларни қабул қилишда қўлларини ювиш воситалари ва дезинфекцияловчи воситаларни ишлатмасдан ювишини билдирган бўлса, объектив кузатишда уларнинг сони 16,4 марта кўп бўлганлиги аниқланган ( $23,0 \pm 4,09\%$ ;  $P < 0,001$ )

Кузатув маълумотларига бўйича қўлларини қуритиш учун умумий матоли сочиқ ишлатадиган тиббий ходимлар сони сўров-интервью маълумотларига қараганда 2,7 марта кўп бўлган ( $31,2 \pm 4,50$  га қарши  $12,2 \pm 3,18\%$ ;  $P < 0,001$ ). Тиббиёт ходимларининг  $73,9 \pm 4,27\%$  шахсий матоли сочиқларидан фойдаланганлар, кузатув вақтида улар 1,5 марта кам бўлган –  $50,2 \pm 4,86\%$  ( $P < 0,001$ ). Сўров ўтказилган тиббиёт ходимлари 100% ҳолатларда ТТМ ва МТМни мақбул санитар-гигиеник шароитлар билан таъминлаш зарур эканлиги тўғрисида ўз истакларини билдиришган (3 -жадвалга қаранг).

3-жадвал

ТТМ ва МТМ лари тиббиёт ходимларининг қўл гигиенасини субъектив (сўровнома ўтказиш) ва объектив (кузатиш) баҳолаш,%

Беморни қабул қилишда қўл гигиенаси кўрсаткичи	Кўрсаткичлар градацияси	Қўллар гигиенасини баҳолаш, n=106		P
		субъектив	объектив	
Қўлларни ювиш давомийлиги	қабул қилишдан олдин	28,7±4,54	8,6±2,72	***
	қабул қилишдан кейин	43,2±4,81	35,1±4,64	-
	қабул қилишдан олдин ва қабул қилишдан кейин	23,2±4,10	42,2±4,80	***
	амалга ошмаган	1,3±1,10	23,0±4,09	***
Қўлларни ювиш ва ишлов бериш учун воситалар	сув	1,4±1,14	4,4±1,99	-
	сув, совун	18,4±3,76	35,3±4,64	***
	антисептик	25,5±4,23	9,9±2,90	***
	сув, совун, антисептик	54,7±4,83	31,8±4,52	***
Қўл қуритадиган сочиқларнинг тури ва типи	умумий матоли	12,2±3,18	31,2±4,50	***
	индивидуал матоли	73,9±4,27	50,2±4,86	***
	бир маротаба ишлатиладиган	10,7±2,08	18,6±3,78	-
	ишлатилмаган	3,3±1,20	0,00	-

Изоҳ: сўровнома ўтказиш ва кузатиш натижалари ўртасидаги фарқларнинг ишончилиги - \* - - P < 0,05; \*\* - P < 0,01; \*\*\* - P < 0,001

